

**Азизова Нафиса Бахромовна:** *“Иқтисодиётнинг саноат тармоғида инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари”*. (5A230102 – Иқтисодиёт (ижти-мой соҳа иқтисодиёти)).

**Илмий раҳбар:** и.ф.н., доц. Зайнутдинова У.Ж.

**Магистрлик диссертациясининг мақсади:** Иқтисодиётнинг саноат тармоғида инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Магистрлик диссертациясининг вазифалари:**

- иқтисодиёт саноат тармоғига инвестицияларни жалб этишнинг зарурлигини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- иқтисодиёт саноат тармоғига инвестицияларни жалб қилиш ва қулай инвестицион муҳитни яратишнинг ўрнини асослаш;

- иқтисодиёт ва унинг саноат тармоқларига давлат кафолати остидаги хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

- саноат тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни самарали йўналтиришнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- саноат тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш;

- иқтисодиётнинг саноат тармоғида инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари ва уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.